

# “АНДИЖОН 1 СОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Андижон вилояти, Андижон тумани,  
Гулобод шаҳарчаси

2022 йил 13 июль.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Андижон вилояти, Андижон тумани, Гулобод шаҳарчаси “Андижон 1 сон пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: 09:00

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: 09:50

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: 10:00

Жамиятнинг жами акциялари сони – 5 605 652 дона, шундан овоз берувчи акцияларига эга булган акциядорлар овозларининг умумий сони - 5 605 652 дона.

“Андижон 1 сон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2022 йил 01 июндаги 01/60А-сон таклиф хати инobatга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2022 йил 25 юнда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2022 йил 07 июль.

У. Акбаралиев йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Акбаралиев Улуғбек Абдумуталович – АЖ “Андижонпахтасаноат” ХБ тугатиш комиссияси аъзоси - Йиғилишда раислик қилувчи;

2. К. Қурбонов – жамият кузатув кенгаш аъзоси;

3. Ш. Абдусаматов – жамият акциядори.

Йиғилиш раёсати аъзоси К, Қурбонов малака ва тажрибага эга бўлган АЖ “Андижонпахтасаноат” ҳудудий бирлашмаси тугатиш комиссияси аъзоси У.Акбаралиевни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Х. Мирзарахимовани йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи У.Акбаралиев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санoқ комиссияси аъзоси А. Ботировга берди.

Санoқ комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2022 йил 20 июнь ҳолатига шаклантирилган “Андижон 1 сон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 1110 та акциядорга тегишли 5 605 652 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 5 173 117 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 9 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 92,28 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

М. Муминов – жамият бош директори;

А. Ботиров – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори ;

Қ. Тургунов - "FINANCE AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори;  
Йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2021 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2021 йил молия-ҳўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
8. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
9. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматиغا тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
10. Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш масаласини кўриб чиқиш.
13. Жамият Низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
14. Жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
15. Жамият томонидан "E-auksion" электрон савдо платформаларига савдога чиқарилган ва муддатида сотилмаган жамият активлари қийматини белгиланган тартибда босқичма-босқич тушириш масаласини кўриб чиқиш.
16. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 16 та масала кўрсатилганлиги ва ҳар бир масала бўйича маърузачига -5 (беш) дақиқадан, вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини ва Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2022 йил 25 июндаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Х. Мирзараҳимова, бош ҳисобчиси ёрдамчиси – А. Ботиров ҳамда ходимлар бўлими бошлиғи Р. Абидовалар номзодларини киритиш

таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз билан 100%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:**

**1) Х. Мирзарахимова;**

**2) А. Ботиров;**

**3) Р. Абидова.**

**Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича** жамият Бош директори М. Муминов сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2021 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори М. Муминовга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи, У.Ақбаралиев акциядорлардан бош директорнинг 2021 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз билан 100%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2021 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибдаги учинчи масала бўйича** жамият бош ҳисобчиси А. Ботировга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари илова қилинади*).

Йиғилиш раиси У.Ақбаралиев акциядорлардан жамиятнинг 2021 йиллик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2021 йиллик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалари қониқарли деб топилсин ва ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоси **Ғ. Ҳакимжонов** жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (*хулоса илова қилинади*) ва акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз билан 100%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи **У. Акбаралиев** жамият кузатув кенгаши аъзоси **К. Қурбоновга** сўз берди.

**К. Қурбонов** сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилиш раиси **У. Акбаралиев** акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз билан 100%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича** “FINANCE AUDIT” МСНҲ аудиторлик ташкilotи аудитори **Қ. Турғунов** сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2022 йил 25 майдаги Миллий

стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“FINANCE AUDIT” MCHJ аудиторлик ташкилотининг хулосасида “Андижон 1 сон пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Миллий стандартларга мувофиқ келади.

Йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев акциядорлардан 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “FINANCE AUDIT” MCHJ аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 25 майдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “FINANCE AUDIT” MCHJ аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 25 майдаги Миллий стандартларга мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича** йиғилиш раиси У.Ақбаралиев сўзни жамият бош директори М. Мўминовга берди.

М. Муминов жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича 38 060 240 минг сўм миқдорда зарар билан чиққанлиги маълум қилди. Шунга кўра соф фойдасини тақсимлаш масаласи кўриб чиқилмаслиги таклифини киритди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилмади.

1. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича 38 060 240 минг сўм миқдорда зарар билан чиққанлиги маълум бўлди. Шунга кўра, жамият соф фойдасини тақсимлаш масаласи кўрилмасин:

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев сўзга чиқиб, жамият бош директори М. Муминовни ваколати тугаганлиги, ва бош директор лавозимига номзод тайинлаш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан жамият Кузатов кенгаши аъзоси К. Қурбонов охириги 3 йил ичиди жамият бизнес-режалари ортиги билан бажариб келинаётганлиги, жамият Устав фонди фойда ҳисобига 2 марта ошганлиги, жамият ходимлари иш хақи уз вақтида берилаётганлигини, шунингдек, дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлари анча камайганлигини таъкидлаб, Муминов Мухаммадюсуф Абдумалик ўғли билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини 2022 йил якунлари бўйича умумий йиғилиши кунигача узайтиришни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:  
“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз билан 100%;  
“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Андижон 1 сон пахта тозалаш” АЖ Бош директори Муминов Муҳаммадюсуф Абдумалик ўғли билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор Муминов Муҳаммадюсуф Абдумалик ўғли билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати – 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколоти Кузатов кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори М. Муминовга:

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

- “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офиси ҳамда АЖ “Андижонпахтасаноат” ХБ томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А. Абдулбакиев сўзга чиқиб, жамиятда 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди: (Тижорат таклифлар 6-илова қилинади)

Т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Аудиторлик ташкилотига туланидиган ҳақ миқдори (минг сўм)
1	“FINANCE AUDIT” МЧЖ	№ 5/8 18.04.2022	15 000,0
2	“UMMON AUDIT” МСНЖ	№ 19 18.04.2022	16 000,0
3	“IQTIDOR AUDIT INFORM” МСНЖ	05.02.2022 01/13-сон	17 0000,0

Муҳокама давомида жамият акциядори Х. Мирзараҳимова жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев акциядорларидан 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг

хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“FINANCE - AUDIT” МСНЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:**

**“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз**

**“Қаршилар” – йук; “Бетарафлар” – йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.**

**“UMMON AUDIT” МСНЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:**

**“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар” – 5 173 117; “Бетарафлар” – йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.**

**“IQTIDOR AUDIT INFORM” МСНЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:**

**“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар” – 5 173 117 “Бетарафлар” – йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.**

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун “FINANCE AUDIT” МСНЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 15000,0 минг сўм белгилансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

- қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори М. Муминовга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (бизнес-режа 7-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи У. Акбаралиев акциядорлардан жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 5 173 117 овоз; “Қаршилар” – йук; “Бетарафлар” – йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи У. Акбаралиев сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 5 157 200 дона акция эгаси АЖ “Анджонпахтасаноат” ҳудудий бирлашмаси томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан . Алимжонов Артикмирзо Муқумжанович -Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Мубораков Абдуллахон Баходирович- Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси – Бош мутахассис, Азимжонов Неъматжон Нодир ўғли - Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вил.ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси. Турсунов Фахриддин Иброхимович – “Ўзпахтасаноат” АЖ Бош мутахассис. Акбаралиев Улуғбек Абдумуталович – АЖ «Андижонпахтасаноат» ХБ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис, Отабеков Санжарбек Абдурахмонович - АЖ «Андижонпахтасаноат» ХБ тугатиш комиссияси раиси, Нортоев Фаррух Абдуманопович - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси – Булим бошлиғи. Омурзақова Гулчехра Иминжоновна - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси, Обиджонов Дурбек Олимжон ўғли - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси – Бош мутахассислар белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи У.Акбаралиев акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**Ушбу масала юзасидан кумулятив овоз бериш натижалари:**

Алимжонов Артикмирзо Муқумжанович	– 5 173 117 та овоз;
Мубораков Абдуллахон Баходировичга	- 5 173 117 та овоз;
Азимжонов Неъматжон Нодир ўғлига	– 5 173 117 та овоз;
Турсунов Фахриддин Иброхимовичга	– 5 173 117 та овоз;
Акбаралиев Улуғбек Абдумуталовичга	– 5 173 117 та овоз;
Отабеков Санжарбек Абдурахмоновичга	– 5 173 117 та овоз;
Нортоев Фаррух Абдуманоповичга	– 5 173 117 та овоз;
Омурзақова Гулчехра Иминжоновна	– 5 173 117 та овоз;
Обиджонов Дурбек Олимжон ўғли	- 5 173 117 та овоз берилди.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:**

1. Алимжонов Артикмирзо Муқумжанович -Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи;
2. Мубораков Абдуллахон Баходирович- Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси – Бош мутахассис;
- 3 Азимжонов Неъматжон Нодир ўғли - Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вил.ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси.
4. Турсунов Фахриддин Иброхимович – “Ўзпахтасаноат” АЖ Бош мутахассис.
5. Акбаралиев Улуғбек Абдумуталович – АЖ “Андижонпахтасаноат” ХБ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис,
6. Отабеков Санжарбек Абдурахмонович - АЖ «Андижонпахтасаноат» ХБ тугатиш комиссияси раиси,
7. Нортоев Фаррух Абдуманопович - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси – Булим бошлиғи,



8. Омулзақова Гулчехра Имнижоновна - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят худудий бошқармаси бош мутахассиси,

9. Обиджонов Дурбек Олимжон ўгли - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилоят худудий бошқармаси – Бош мутахассис

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев сўз олди ва “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятини тугатиш Лойиҳа офисининг 2022 йил 24 майдаги АХ-12/578 сон хати билан таништирди.

Хатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6-мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖни ва тизим корхоналарида тугатиш ишлари олиб борилаётганлиги, Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан пахта тозалаш корхоналарининг мол-мулклари пахта тўқимачилик кластер корхоналарига сотилганлиги сабабли, бугунги кунда асосий ишлаб чиқариш фаолияти кластер корхоналари томонидан амалга оширилиши айтиб ўтилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8-апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт шaroитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги фармонга мувофиқ 2022 йил 1 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш ва ижро органи аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона рағбатлантириш сиёсатини жорий этилиши белгиланганлиги ҳисобга олган ҳолда, ҳамда харажатларни қисқартириш мақсадида пахта тозалаш корхоналари акциядорлари (таъсисчилари)нинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишларида жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш масаласини қайта кўриб чиқилишини таъминлаш тавсия этилган.

М. Муминов масала давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8-апрелдаги ПФ-101-сон Фармонидан келиб чиқиб, жамият кузатув кенгаши аъзоларига вазифаларини бажариб турган давр учун ягона рағбатлантиришни жорий этиш бўйича таклиф берди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев акциядорлардан кун тартибидаги мазкур масала учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз билан 100%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун иш ҳақ тўланиб келиниши бекор қилинсин.

2. Жамият кузатув кенгаши аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона рағбатлантириш сиёсати жорий этилсин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави ва Ички Низомлари билан таништирди ва уларни тасдиқлаш таклифини киритди .

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави ва Ички Низомлари 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

- жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави ва Ички Низомларини жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев сўз олди жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан таништирди. (ташкилий тузилма 8-илова қилинади)

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 5 173 117 та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев жамият томонидан “E-auction” электрон савдо платформаларига савдога чиқарилган ва муддатида сотилмаган жамият активлари қийматини белгиланган тартибда босқичма-босқич тушириш масаласини акциядорларга хавола қилди.

У.Ақбаралиев ушбу масалага батафсил изох берар экан жамият балансида бўлган носоҳавий мулки “Мустақиллик тикувчилик мажмуаси” МЧЖ нинг устав фондидаги (100) % 350 млн сўмлик, “Пахтаобод нотўқима” МЧЖ нинг устав фондидаги (5) % 158 млн сўмлик улуши, “Барака пахта текс” МЧЖ нинг устав фондидаги (1.49) % 4 909 181 813 млн сўмлик “E-auction” электрон савдо платформада сотиб олишга икки ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, уларни дастлаб қўйилган нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизмини қўллашни таклиф қилди.

Кун тартибидаги ушбу масалага бюлетен орқали ўз муносабатини билдиришни сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 11 938 072 та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “E-auksion” электрон савдо платформаларида активларини сотиб олишга икки ой мобайнида талабномā тушмаган тақдирда, уларни дастлаб қўйилган нархни кадам-бакадам пасайтириб бориш механизмини қўллаган ҳолда сотишни амалга ошириш ва бу кадам қуйидагилар бўйича ҳар 15 кунда дастлаб қўйилган нархнинг 10 фоизини ташкил қилади, хусусан, кўчмас мулк объектлари бўйича — дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача, бироқ баланс қийматидан кам бўлмаган микдоргача, улушлар бўйича — дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача, бироқ номинал қийматидан кам бўлмаган микдоргача нархларини босқичма-босқич тушириш тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи А. Ботировга берди.

А. Ботиров Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик 68 415 893 сўмлик ва кредиторлик 254 668 502 сўмлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритишни таклиф қилди. (Дт ва Кт рўйхати 9-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи У.Ақбаралиев акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 11 938 072 та овоз билан 100%;  
“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган 68 415 893 сўмлик ва кредиторлик 254 668 502 сўмлик кредиторлик қарздорликлари 9-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:

Йиғилиш раиси:



У. Ақбаралиев

Х. Мирзарахимова

Йиғилиш баённомаси 2022 йил 23 июль куни икки нусхада тузилди.